

ВОХА АҲОЛИСИНИНГ ТУРАР – ЖОЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

И.И. Абдуллаев
ЎзДЖТСУ ўқитувчиси Чирчик

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўлкамиз аҳолисининг ҳаётида турар – жойлари ўзига хос хусусиятлари, уар билан боғлиқ этник хусусиятларининг ўрни, аҳоли томонидан олиб борилаётган турар – жойларидағи турли хил ўзгаришлар, қолаверса ҳар бир этник гурухларнинг турар – жойларининг бошқасидан фарқли томонлари атрофлича баён қилинган.

Калит сўзлар: Ўтроқлашиш, Моддий маданият, гумбазли, қора уйлар, этномаданий таъсир, мўғул ўтовлари, халқнинг турмуш – тарзи, ўтов, манзилгоҳлар, туйнуклар, анъанавий, тоғолди, хонадонлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно рассмотрены особенности селитебных территорий в жизни населения нашей страны, роль этнических особенностей, связанных с уарами, различные изменения селитебных территорий, осуществляемые населением, а также различные аспекты селитебных территорий каждой этнической группы

Ключевые слова: Поселение, Материальная культура, купола, черные дома, этнокультурное влияние, монгольская трава, образ жизни людей, трава, поселения, норы, традиционные, горная местность, дома.

ABSTRACT

In this article, the characteristics of residential areas in the life of the inhabitants of our country, the role of ethnic characteristics in connection with uar, various changes in residential areas carried out by the population, in addition, the different aspects of the residential areas of each ethnic group are described in detail.

Keywords: Settlement, Material culture, domed, black houses, ethnocultural influence, Mongolian grass, people's lifestyle, grass, settlements, holes, traditional, mountain, houses

Моддий маданиятнинг турар – жойлари ва улар билан боғлиқ хўжалик бинолари муҳим этник компонентларидан биридир. Уй – жойларнинг шаклланиши ва юксалиши кўплаб омилларга, халқнинг турмуш – тарзи, хўжалик фаолияти турлари, аҳолининг ижтим оий – иқтисодий ривожланишига, табиий – географик муҳитга бевосита боғлиқ бўлган.

Ўрта осиёда, хусусан Ўзбекистон республикасида ҳам ҳар бир вилоят умумий хусусиятларга эга бўлган турар – жойлари, хўжалик бинолари тизимини яратиши билан биргаликда локал вилоят аҳолисининг хўжалиги ҳом ашёларнинг мавжудлиги қолаверса қурилиш анъаналари мавжудлигига қараб ҳам турар – жойлари мажмuinи яратадилар. Ахир барча элшунос олимлар Шониёзов К, И. Жабборовлар томонидан бошқа меъморий мактаблар қаторида Шахрисабз мактабини алоҳида қайд этилиши бежиздан эмас [1].

Ўзбекистон хусусан Қашқадарё воҳаси XIX аср охиридан кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳолини, даштиқипчоқ ўзбек уруғ – қабиларини ўтроқлашиши натижасида қишлоқлар сони ва аҳолиси кўпайиб боради. Ушбу шароитда тарихий – маданий хўжалиги ва маданиятини шаклланишига аҳолининг зичлиги, этник таркиби ҳамда табиий – географик муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бу борада Қашқадарё воҳаси аҳолиси ўртacha зичлиқда бўлиб, аксари қадимдан суғорма дехқончилик билан шуғулланиб келган.

Қашқадарё воҳаси қишлоқлар сони кўп бўлсада аҳолиси сони кўп бўлганлари кам эди. Қишлоқлар уларда яшаётган оиласарнинг ҳовли қишлоқлардан ташкил топган. Хусусан Косон туманида 11 та қишлоқда 19913 киши, яъни туман аҳолисининг 47,4% жойлашган [2]. Воҳа қишлоқлари турлича рельэфли худудларда дарё воҳалари, тоғолди текисликлари, тоғ сойлари бўйларидағи, шунингдек чўл – дашт зоналаридағи қишлоқларга ажратиш ажратиш мумкин. Қишлоқларнинг бундай жойлашиши аксари аҳолининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган. Хусусан суғорма дехқончиликка асосланган воҳа қишлоқлари чўл – дашт худудларидағи чорвачилик аҳолиси огуллари билан ўзаро савдо – иқтисодий алоқада бўлган.

Ўтроқ аҳоли қишлоқлари худуднинг рельэфига қараб тўртта гурухга бўлинади. Воҳалардаги қўргонлар, тоғолди текисликларидағи қишлоқлар, тоғли ҳамда, чўллардаги аҳоли манзилгоҳлари. Қишлоқларнинг бу Хилда жойлашиви сўзсиз ўзбек элатининг тарихий шаклланиши жараёнлари, ўзбек аҳолиси гурухларини хўжалик фаолияти билан боғлиқ.

Кўпчилик ўтроқ қишлоқлар воҳаларда жойлашган бўлиб, уларда дехқонлар ва ҳунармандлар яшаган. Суғориладиган худудлардаги қишлоқлар

аксари каналлар ва йўллар ёқасида жойлашиб атроф экин майдонлари ва дараҳтлар билан ўралган. Бу Хилдаги қишлоқлар сув манбалари оқар сувли ариқлар, булоқлар, суний сув ҳавзалари, кам сувли жойларда қудуқлар бўлган [3]. Қишлоқлар йириклиги бўйича турлича бўлиб, энг катталари одатда ҳунармандчилик ва савдо билан машғул қўргонлар бўлган. Қашқадарё вилоятида Майман, Косон, Бешкент, Гузорлар шу хилдаги аҳоли манзилгоҳлари эди. Уларни марказида бозор, ҳунармандчилик устахоналаари ва савдо расталари жойлашган. Бу қишлоқлар XX аср давомида юксалиб шаҳарларга айланади.

Турли этник гурухлар орасидаги маданий иқтисодий алоқалар, айниқса савдо – сотик олиб борадиган қишлоқларда фаол кичган ва бу ҳудудлар маълум маънода тураг – жойларнинг унификациялашув жараёнига катта таъсир қўрсатган. Масалан Яккабоғ, Қорабоғ, Косон, Жийнов ва бошқа қошлиқларда ўтовлар учун ёғочдан синчлар тайёрлаб сотилган. Йирик қишлоқлар ҳудудининг нафақат иқтисодий, балки маданий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган. Бу қишлоқларда халқ сайиллари, томоша ва ўйинлар ўтказилган.

Қашқадарё воҳасининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Дехқонбод каби тоғолди туманларида зич аҳоли яшайдиган қишлоқлар кенг тарқалган. Бу қишлоқлар аҳолиси дехқончилик, боғдорчилик, тоғга туташ жойларда эса чорвачилик билан ҳам шуғулланадилар.

XX аср бошларида ҳам воҳа қишлоқларидағи ҳовлилар атрофи девор билан ўралган ёки деворсиз бўлган. Атрофи девор билан ўралган ҳовлиларга дарвоза хона орқали кирилган. Қашқадарё воҳасида ҳам шаҳарлар, уларга туташ йирик ҳунармандчилик, савдо – сотик мавжуд қишлоқларда ҳовлилар ичкари ва ташқарига бўлинган. Ҳунарманд аҳоли ташқари ҳовлисида устахона жойлашган. Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида анъанавий ҳунармандчилик кулолчилик, ёғоч созлиқ билан шуғулланадиган хонадонларда ҳозирга қадар бу анъана сақланиб қолган [4]. Бу жойда уста ўз шогирдлари, халфалари билан ишлаган. Ичкари ҳовли яшаш учун мўлжалланган бўлиб, унда яшаш хоналари, ҳамда хўжалик ихтиёжлари учун қурилган – ошхона, омборхона, устахона, сомонхона ва ҳ.к.лар бўлган. Оддий аҳоли ҳовлиларида ичкари – ташқари бўлмасдан бундай оиласларда меҳмон келган пайтда аёллар ва ёш болалар қўшнининг уйига чиқишиган [5].

Қашқадарё воҳаси Косон туманидаги Оқчангали, Оқтепа Гувалак, Саромоч, Эсабой, Холиш қишлоқлари аҳолиси XIX аср охирида Зарафшон водийсидан кўчиб келган оқманғит уруғига мансуб. Уларнинг ҳовлилари атрофи девор билан

ўралган, ичкилик ва ташқилик қисмларга бўлинган. XX аср давомида ушбу аҳоли гурухида ҳовлиниң ўртасини очик қолдириш (уни журт дийишган) анъанаси сақланган. Одатда ўтов юрт (хеурт) дейилган демак ўтмишда кўчманчи бўлган оқманғитлар ўтов тиклайдиган жойни бўш қолдирган. Хусусан Дехқонобод тумани, Оқработ қишлоғида янги тўрт томонли ўтов тикилгани, унда хонадон қарялари ёзда салқин деб яшагани Т. Ў. Салимовнинг дала этнографик экспедицияларини ўтказиш бўйича қўлланмасида тавсифланган [6].

Лалми дехқончилик билан шуғулланган тоғолди адирлари чўлга туташ ҳудудлардаги қишлоқлар аҳолиси ҳовлилари атрофи девор билан ўралмаган. Бу қишлоқлар аксари XIX аср охири – XX аср бошларида қўрилган бўлиб, улар кўчманчи ва яrim кўчманчи ўзбекларни ўтроклашиши натижасида пайдо бўлиб, XX аср давомида улар босқичма – босқич трансформацияга учраб борган. Ушбу аҳоли гуруҳларининг ўтмишда чорвачилик билан машғул бўлганлиги узоқ даврлар соқланиб қолган.

Ўтроклаша бошлаган чорвадор аҳоли 20 – 30 йилларда дастлаб қора уйларда (ўтовларда) яшаганлар [7]. Стасионар турдаги уйларда яшашга ўтганлари ҳам XX асрнинг ўрталарига қадар бир ёки икки хонали пахсадан, хом ғиштдан, тоғолди ҳудудларида тошдан қурилган биноларда истиқомат қилганлар. Фарғона водийсидан фарқли улароқ Қашқадарё воҳаси қишлоқларида уйлари ойвонсиз қурилган. Жанубий вилоятларда уйларнинг олдида тупроқдан кўтарилиб супа қилишган. Йилнинг иссиқ мавсумларида супада овқатланишган, ухлашган. XX – асрнинг 60 – 70 йилларида супалар ўрнида тўртбурчакли темирдан тахта полли қраватлар тарқалди. Ҳозирги кунда маҳаллий ашё тол, терак, ченорлардан ясалган ихчам, чиройли қраватлар ҳовлилар кўркига кўрк қўшмоқда. Республикамиз жанубий вилоятлари хусусан Қашқадарё вилоятида айнан XX аср Қарши чўлини ўзлаштиришда, Амударёдан насослар орқали сув кўтарилиб, магистрал каналлар қурилиши даври бўлди. Юзлаб янги қишлоқлар, минглаб уй – жойлар аҳоли томонидан ёки посёлкаларда коттеджлар бунёд этилади. Қишлоқлар, уйлар элиktir қуввати, қисман газ билан таъминланди. Суғориш тизимлари атрофига янги доимий аҳоли пунктлари шаклана борди. Сувга яқин қишлоқларда чигатойлар (ўзбек ва тожик чигатойлари). Токчилар, турклар яшаган. Шахрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларининг аксари қишлоқлари шу хилда бўлган.

Вилоятидаги Қарши чўли асрлар давомида атрофдаги яrim кўчманчи ёки кўчманчи аҳоли чорвачилик хўжалигига яшаб вазифасини ўтаб келган. Тоғолди ҳудудлардаги булоқлар сувидан ҳосил бўлиб ёз келганида деярлик қуриб қолган

сой ва сойчаларнинг кўп бўлиши бу жойлардаги қишлоқлар аҳолисининг қўшма дехкончилик – чорвачилик хўжалигини юритишга мажбур этган. Булоқ сувларидан фойдаланиб кичик ер майдонларида буғдой, арпа, маккажўхори, беда, қовун, тарвуз, сабзавотлар экилган.

Қашқадарёлик таниқли этнолик О. Бўриевнинг таъкидласича бу зонадаги дастлабки қишлоқларда илк пойдеворли бинолар уй – жойлар эмас масчитлар бўлган [8]. Кийинчалик меҳмонхоналар турар – жойлар, XX асрнинг иккинчи ярмидан эса оғилхона, отхоналар ҳам асосий маҳаллий ашё: гувала, хом ғишт, пахсалардан бунёд этила бошлаган [9].

Вилоят қишлоқлари Фарғона водийсига қиёсланганда унчалик катта бўлмай кичик ва ўрта ҳажмдаги қишлоқлар кўп тарқалган. Қишлоқ уйлари тарқоқ жойлашган бўлиб одатда бир – биридан узоқда жойлашган. Уй – жойлар аксари девор билан тусилмаган. Шундай қишлоқлар айниқса ўтмишда яrim кўчманчи ёки кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган совет тузуми даврида ўтроқлашган аҳоли учун хусусиятлидир.

Татқиқотчиларнинг таъкидлашича Қашқадарё воҳасида ўтроқлашиш жараёни чўл ҳудудларига нисбатан тоғли туманларда эртароқ бошланиб, уларда доимий турар жойлар, қишлоқлар пайдо бўла бошлаган. Қишлоқлар сой, бўлоқ теваракларида, чорва учун қулай жойларда тўп тўда тарзида вужутга келиб, ҳар бир йирик оила тўп уруғ бўлиб яшаган. Бундай тўда ёки тўп кўпчиликни ташкил этмай, нари борса ўнга яқин қора уй ёки чайлалардан иборат бўлган[10].

Меъмор Д. Нозиловнинг ёзишича Ҳисор ва Бойсун тоғ қурилишида аксари синч девор қўлланилган ва бу зилзилаларнинг тез – тез тақрорланиши ҳамда, уларни тоғ шароитида кучли бўлиши билан боғлиқдир [11].

Тоғларда ўрмонларнинг бўлганлиги ҳам синч уйларнинг қурилишига имкон яратган. Тоғ қишлоқларида уйларни шамол эсадиган, сел келадиган томони тош девор ёки синч деворли бўлган.

Жумладан Шаҳрисабз туманидаги Ғilon қишлоғи аҳолиси турар – жойлари ҳақида Т. Ў. Салимовнинг дала ёзувларида қуидагилар қайд этилган. Илгари уйнинг пой девори 20 – 30 см, кўп бўлса 50 см бўлиб, тошдан терилган. Уйни олди қуёшга қаратилиб сейвон билан қурилган, узунлиги ва кундалангига 6 / 6, 7 / 8 метр этиб бунёд қилинган. Уйнинг ўртачаси 7 болорли қилинган. Кирадиган эшиги 1та бўлган. Оилада 3 та ака – ука бўлса ҳам битта қозонда овқат йиб яшаган. Тошдон - ўчоқ катта хонанинг бурчагида жойлашган. Ноn овқат учокда тайёрланган. Ҳозирги тандирларни 70 –йилларда постдан (яъни воҳадан)

чиққан бир аёл ўргатганлар. Сандал ҳаммада бўлган. Уйни иситиш ва ёритиш хамиша муаммо бўлиб келган.

Тонур меҳмонхоналарда, қишлоқларидағи ўзига тўқ оилаларда қурилган. Камин кўринишидаги тонурга ўтин тек тахланиб кейин алов ёқилган, тутун маҳсус мўридан тепага чиққан. Уйнинг ичидаги 10 сантиметррингача баландликда супа қилиниб унинг устига гилам, пўстак, кўрпачалар солинган. Кўрпа – ёстиқ, идиш – товоқларни тахлаш учун ҳар бир уйда 4 – 6 тагача лакраблар қуриш XX асрни охирига келган трансформацион жараёнлар белгисидир.

Ўтмишда уйни ёритиш учун тепасида тешик қолдирилган ёғочдан сарпуш, қопқоғи даёли узун бўлиб, у билан зарур пайтда очиб – ёпилган [12]. Илгари оғилхоналар уйдан узоқроқ қурилган. Йилнинг ноябр – май ойларида мол оғилхоналарда сақланган.

Уйларнинг томи текис шоҳ – шабба тушаб, сунг 10 – 15 см қалинликдаги тўпроқ солинган. Ўстидан майдаги буғдой сомони солинган яхши пишитилган лой билан суваб чиқилган. Ёмғир ўтмаса йиларо бўлса ҳар йили қузги ишлар якунлангандан сўнг янги сувоқ тортилган.

Ғilonда ажойиб урф – одатлар сақланган бўлиб, улардан бири аёллар ҳашарири. Қуллуқчин қилиш учун, яъни синч орасига 1 – 1,5 соат кесак уриш лойлаш, панжалаш ҳаш – қаш, сувоқ – хомсувоқ қилиш учун ҳашар чақирилган. Лой ва кесакни эркаклар бир қун аввал тайёрлаб қўйишган майнин сомон ва майнин тўпроқдан лой қилиниб асосий сувоқни уста бажаради. Эшик – деразалар қўйилгандан сунг, уйга кўчиб киришдан аввал бир тоғарада сувоқ лой тайёрланиб 2 та аёл билагига латта бойлаб уйни ичини яна бир сувоб чиқади шу тариқа силлиқ ва оппоқ девор яратилади 80 – йилардан Ғilonда қурилаётган янги уйларда шаҳарлар меъморчилиги таъсирида обой қофозидан ёки фанера, гипсокартондан хоналар ичини безашда фойдаланилмоқда. Сўнгги йилларда деворларни бўёқлар билан бўяш кескин камайиб, бу деворларни совуқ тортиши уйларни иситиш мураккаблиги билан изоҳланади. Аёллар ҳашарида агар синч орасига кесак уриш тез бажарилса, панжакаш (қора сувоқни) ҳам қилиб, устага иш тайёрлашган. Ғilonдаги эркаклар ҳашари энг ажойиб анъаналардан ҳисобланади. Ҳозирга қадар уй қуришдан олдин қариндош уруғларни чақириб маслаҳат қилишади. Уйни қурилишига уста танланади. Қурилиш дехқончилик ишлари юқ пайтда бошланади. Аввал битта мол суйилади. Ҳашар айтилган куни қариндош уруғлар 5 тадан гуруҳга бўлинниб, ёғочдан синч суюгини бир кунда битиришга ҳаракат қилинади. Ҳашарда 8 – 10 та уста ҳам ишлайди Қаламини

тиклаш куни ҳашарчилар сони 30 – 40 та кишига етган. Теша билан ишловчилар деворларни бўлиб, олиб ишни тез бажарилишини таъминлаганлар.

Қашқадарёning чўл зоналарида дастлаб пайдо бўлган қишлоқлар найманлар ва қўнғиротларда тўп, саройларда гул деб номланиб, ҳовлилар атрофи девор билан ўралмаган. Тўплар кенгая бориб атрофига чим, пахса ёки хом ғиштдан тикланган уй – жойлар тикланиб, овуллар ташкил топган. XX асрнинг бошларидаги қишлоқлар унчалик катта бўлмаган. Булоқ сувлари мавжут бўлган жойларда хусусан Қашқадарёning этакларида гувала, хом ғишт ва пахсадан деворлар курила бошланган. Қашқадарёда пахсадан уй қуришда туркман пахсачиларининг ўрни катта бўлган.

Дашт қишлоқларидағи уйларга кесак, улар қўп ҳолларда пахса ва чимдан қурилган, кенг - мўлчиликка ўрганган, собиқ кўчманчилар ўтроқлашув давомида ҳовлиларни бир – биридан узокроқ қуришга, чорвасига нисбатан қўлайлик тўғдиришга интилганлар. Дастлаб уйларнинг қурилиши оддий, етти, тўқиз, ўн бир боларли бир уй бир даҳлиз ва кичкина ошхонадан иборат бўлган. Уйларнинг орқа томонидан ёз иссиқликларида шамол киритиш учун дарча қўйилган. Олд томонида битта баъзиларида иккита эшик қўйилган. Қўп уйларнинг олди очиқ бўлиб девор билан ўралмаган, уйдан 25 – 30 метр нарида чорва учун маҳсус молхона, ўтинхона, қўра бўлган.

Қашқадарё воҳасидаги уй – жойлар 2 Хил усулда; Шаҳрисабз ва Қарши усулида қурилган. Бунинг асоси Шаҳрисабзнинг тоғга яқинлиги, Қаршининг паст – текисликда жойлашганлиги дейишидаи [13]. Қашқадарё иқлимининг иссиқлиги туфайли тарихий – худудий меъморчиликда уйларни салқинлаштириш, шамол йўналиши таъсири бўлишига ҳаракат қилинади. Бу жойдаги уйларни олди ва орқа томонидан шамоллатиш учун илгари туйнуклар ҳозир эса деразалар қолдирилади.

Воҳа қишлоқларида яшовчи ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи этник гурӯҳлар – қипчоқлар, қурама, турк, қатоғон, дўрмон, қирғиз ва бошқаларнинг қишлоқларида анъанавий тўрмуш тарзига хос, яъни чорвачилик ва дехқончиликка асосланган тўрмуш тарзи хусусиятлари номоён бўлади [14].

Инқилобдан сўнг хўжалик тўрмуш тизимининг кескин ўзгариши чорвачилик билан шуғулланувчи ярим кўчманчи ўзбекларнинг ўтроқлашиши оқибатида, дехқончилик билан шуғулланишлари турар – жойлар турларини ўзгаришига олиб келди. Дастлаб чорвадорларнинг қишлоғи сифатида Хизмат қилган доимий турар – жойлар турлари кийинчалик ярим кўчманчиларнинг доимий яшайдиган қишлоқларига Айланади. Бу борада асосий омил қора уйлар

ёнида бунёд этилган пахса уйлар эмас, мулксиз жамиятга ўтиш қийинчиликлари, иқтисодий инқирозлар бўлади. Натижада чорва моллари туёғи камайиб, шундан теридан тайёрланадиган уй хунармандчилик маҳсулотлари кескин камаяди. Айни пайтда қора уйлар 40 – 50 йилларгача сақланиб қолади.

Ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли орасидаги этномаданий таъсир нафақат ўтовлардан доимий турдаги уйларга ўтилишида, балки уларнинг тузилиши, қурилиш усуллари ва ашёларида ҳам номоён бўлади. Қишлоқларда бўлгани каби уй – жойларда ўтроқ деҳқончилик ва ярим ўтроқ чорвадорларга хос хусусиятлар кўзга ташланади [15]. Бу жиҳатлар аввало уй – жойлар турларида кўзатилади. Чунончи ўтроқ аҳоли доимий бунёд этилган кўчмас уйларда яшаган. Ярим ўтроқ этник гурухлар эса чорвачилик билан шуғулланганликлари ва доимо бир жойдан бошқа жойга кўчиб юришлари бўш, кўчириб юриладиган кўчма уйларда яшаганлар.

Ўзбекистон халқларининг анъанавий турар – жойлари (шохли, қурилиш ашёлари, лойихаси) турар – жойлар мажмуининг у ёки бу қисмини вазифалари каби хусусиятларга кўра бир неча турларга бўлинади. Тадқиқотчилар Ўзбекистонда бир – биридан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланувчи Бухоро, Шаҳрисабз ва Фарғона қурилиш меъморчилиги услублари шакилланган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи айрим ўтроқ ўзбекларнинг қишлоқларида пахса уйлар XIX асрнинг бошларидан қуила бошланган. Қарлук, барлослар, қатоғон ва бошқа қабилалар пахса уйлар билан биргаликда қора уй, капалардан фойдаланишда давом этганлар. Дарё соҳили, тоғолди ҳудудларида яшаган аҳоли қалин шоҳ – шабба ва бир қават кегиз билан қопланган ўтов шаклидаги туйнукли ертўлаларда (қир томда) сомон ва емларни сақлаганлар. Чўл ҳудудларида ёғоч тақчил бўлганлиги туфайли ертўлаларнинг турли Хиллари вужутга келган. Сув тақчил, шамол ва ёғингарчиликлар кучли ҳудудларда асосий қурилиш ашёси сифатида чимдан фойдаланилган [16]. Тоғолди қишлоқлари аҳолиси уйлари ҳам пахса ва чимдан тикланган. Бу қурилиш ашёлари намгарчиликка чидамли бўлган.

Ўтроқ ва ярим ўтроқ ўзбекларда уйларни ичкарисида эшиқдан қарама – қарши томондан уйнинг юқориси - тўри ҳисобланган. Тўр уйнинг энг фахирли жойи бўлган. Айнан шу сабабдан ушбу жойда янги қиммат жиҳозлар гиламлар, тўшаклар сақланган. Уй эгаси, меҳмонлар айнан уй тўрига ўтказилган. Махмуд қашғарийнинг “Девони лугат турк” асарида уйнинг тўри эътиборга молик жой деб изоҳ берилган [17].

Хонанинг эшик яқинидаги киравериш жойи эса, аксинча уйнинг қуи, пойгоҳ деб аталган. Бу жой уйнинг пастки қисми ҳисобланиб у ерда, пояфзаллар тўрган. Пойгоҳда ювиниш, юз қўлни ювиш учун маҳсус жой – обрез қилинган.

Уйларнинг яна бир тури икки хонали бўлиб, уларни “чуқур айвонли уй” деб аташади. Бундай айвон одатда ҳар икки хона ўртасида жойлашган бўлиб, уларга кириш вазифасини ўтаган. Бундай уйлар хуржунни эслатгани учун аҳоли томонидан “Хуржун уй деб аталган. Чуқур айвонлар уч томонидан девор билан тўсилган, олди томони очиқ бўлган [18].

Жанубий Ўзбекистоннинг тоғли туманлари қишлоқларидағи уйларнинг тарихи одатда бир Хил бўлиб, сой томонга қаратилган. Бунга сойнинг пайдо бўлиши уйларнинг эса тоғ томонга кўтарилиш йўналишида қурилиши сабаб бўлган. Шу тарзда уйларнинг олд томони рельеф ҳисобига кўтарила бориб узоқдан қараганда кўп қаватли уйларни эслатади. Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларининг тоғолди қишлоқлари тоғ ён боғрига 30 – 35 градус қияликда қурилган.

Табиий географик мухитдан аҳолининг икки Хил тоғ ва чўл - доимий худудларида жойлашиши Қашқадарё воҳасида хўжаликнинг икки турини ёки аралаш хўжаликни вужутга келтирган. Тоғли қишлоқлар асрлар давомида ёғингарчилик ва табиий оғатлардан сақланишда табиий тўсиқ ҳисобланган. Тоғ ва тоғолди воҳаларида яшовчи аҳоли ҳаётида дехқончилик, боғдорчилик ҳамда чорвачилик хўжалигини қўшиб олиб бориш муҳим аҳамият касб этган. Бу Хилдаги хўжалик, Элшунос А. Қаюмовнинг ёзишича XVIII асрдан шакилланган [19].

Хўжалигига дехқончиликни чорвачилик билан олиб борувчи ярим кўчманчи этник гурӯхларни тоғ даралари ва тоғолди текисликларида, воҳалар ён атрофида ва адирларда лалми дехқончилик зоналарида муваққат ёзги (ёзлик) ва доимий қишки (қишлив) манзилгоҳлари жойлашган. Чорва ёзги яйловларга чиқарилганда яйловларни майдонига қараб 3 – 4 тадан 10 – 15 тагача қора уйлари (ўтовлари) тикланган.

Илгари чорвачилик билан шуғулланган ва ўтроқлашган аҳолининг уй – жойларини ички жиҳозлашда ўтмиш анъаналари узоқ йиллар сақланиб қолган. Хусусан Қашқадарё қарлуқларида ҳали ҳануз гиламлар, бўғжомалар, кейимларининг айrim турларида ўтмишдаги чорвачилик хўжалиги асоратларини кўзатиш мумкин. Дастлаб ўтмишда чорвадор бўлган аҳоли стационар уйларда ҳам томда туйник қолдириб, ўчоқни ўтовдаги сингари уйни ўртасида қолдирғанлар. XX асрдаги этноиқтисодий алоқалар уй – жойлар

унификациясини кучайтириб эндиликда уйлар кўпхонали қурилиб уларда ётоқхона, болалар хонаси, меҳмонхона ва х.к.лар мавжуд [20]. Ўтроқлашган ўзбек қабилаларининг уйларида дастлаб токчалар ҳам бўлмасдан уйнинг тўрида оила аъзоларининг кийим – кечаклар, кўрпа – тўшак ва бошқа жиҳозлари таҳлаб қўйилган. Бу жойларни жук жой (юк жой) деб аташган. Қашқадарё воҳасида яшовчи қарлук, қавчин, манғит, сарой, найман ва бошқа ўзбек қабилаларида меҳробда напромач ва бўғжома турган. Макроб орасида кичкина кавак қолдирилиб, унда қиммат баҳо буюмлар, ширинлик ва турли рўзғор учун зарур: игна – ип, мато қийқимлари сакланган.

Қора уй (ўтов) масаласига келсак илмий адабиётларда уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши тарихи бирмунча батафсил ёритилган. Манбаларга асосланадиган бўлсак, ўтовлар дастлаб Марказий осиёнинг туркей тилли чорвадор халқлари орасида келиб чиқсан ва улар кийинчалик бошқа ҳудудлар халқлари орасида тарқалган [21].

Қора уйлар гумбаз қисмининг тузилишига қўра икки турга бўлинади. Ярим доирасимон ва конуссимон. Этнографик адабиётларда ёзилишича гумбаз қисми бир нечта эгик ёғочлардан тахланган. Ярим доирасимон ўтовлар туркей элатларга хос, конуссимон гумбазли қора уйлар эса мўғул ўтовлари деб номланган.

Ўрта осиё халқлари орасида асосан ярим доира шаклидаги қора уйлар тарқалган эди. Қора уйларни тиклаш усуслари, уларни жиҳозлашда бу халқларнинг этник ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади [22].

Қора уйлар ўзининг шакли жиҳатидан ҳам турлича бўлган. Уларнинг катта – кичиклиги ён деворларни ташкил этувчи ёғоч панжара – қанотларнинг сонига қўра белгиланган.

Қора уйнинг ёғоч қисми, уйнинг синч, аҳоли тилида уйнинг синчи “уйнинг суюги” деб аталган. Уй суюги тўртта алоҳида – алоҳида бўлаклардан ташкил топган. Керага уй ўтовининг ён деворларини ташкил этувчи қисми; узук - ўтовнинг гумбаз қисмига ишлатиладиган ёғоч ўқлар; чангак - ўтовнинг чамбарак кўринишидаги томи ва эшик роми исталган ҳажмдаги ўтовни ёғоч синчини тайёрлаш учун аниқ бир узунлик ва юғонлиқдаги ёғоч ходача ва тоёқлар ишлатилган. Уй суюгини тайёрлаш уларни керакли даража остида эгиш, аниқ ҳисоб – китоблар орқали бажариладиган нисбатан мураккаб иш ҳисобланиб, малака ва тажриба талаб этган. Уларни маҳсус дуродгор уйсозлар – усталар тайёрлаган [23].

Тавар – пул муносабатларининг ривожланиши XX асрнинг бошларидан ярим кўчманчи аҳолини ҳам этноиқтисодий алоқаларга тортади. Ўтов учун ёғоч қисмларни тайёрлаш жараёнига ашё етарли бўлган жойларда аҳоли ўтовни баъзи қисмларини тайёрлаб бозорларда сота бошлайди. Ўтов учун зарур бўлган кигиз босиш, тасма, арқон ва бофичлар тайёрлаш билан чорвадор оиласлар аёллари шуғулланган. Уларни ҳайвонлар жуни, териси, дарахт пустлоқлари, турли иплардан қилишган.

Ўтрок ва ярим ўтрок ўзбекларда чайла (каппа, лочик) каби турар жойлар ҳам бўлган. Улардан XX асрнинг 30 – йилларидан бошлаб вақтинчалик бошпана фойдаланганлар.

XX аср давомида халқимиз, хусусан Қашқадарё воҳаси аҳолиси уй – жойлари кескин трансформацияга учраган. Янги қурилиш ашёлари (пишиган ғишт, тунука, шифер, дераза ойналари ва ҳ.к.лар) пайдо бўлиб, улардан аввал бой хонадонлар фойдалана бошлаб аста – секин аҳолининг бошқа тоифалари ҳам жараёнга тортилади. Асрнинг 40 – 50 йилларидан бошлаб аввал шаҳарларда сўнг қишлоқларда ҳам уйлар лойиҳа - режа бўйича қурила бошланади.

Давлат ёки хусусий қурилган уйларни ҳам пойдевор, пишиқ ва хом ғиштлардан қуриб, иситиш учун: голланд, чуян печкалар ўrnата бошлайдилар. XX асрнинг 60 йилларидан уйнинг ички кўриниши ҳам кескин ўзгариб ёғоч – тахталардан пол, деворларини оқлаш, бўяш, патолокларни фанерадан, ясада безаш кенг тарқала бошлайди [24].

Уйларни ички жиҳозлари ҳам ўзгара боради. Стол, стуллар, краватлар (дастлаб темирдан) буффет, шкафлар, шифонерлар тобора кенг тарқала боради. Айни пайтда халқимизнинг анъанавий жиҳозлари: гиламлар, хулқуралар, кўрпа – кўрпачалар, болиш – ёстиқлар, сандиқлар, сандал, хонтахталар ҳозирга қадар сақланиб келинмоқда. Миллий хусусиятлар қарялар ва келин кеёвлар учун ажратилган хоналарда кўпроқ сақланиб қолган. Қишлоқларда янги уйларни доимо ўз имкониятларидан келиб чиқиб қуришган. Ҳозирга қадар улкан ҳовлили хўжаликлар билан бир қаторда, кичиккина, ҳовлида бир неча оила яшаётганлигини кўриш мумкин. Республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан қишлоқларда ҳам шаҳар қулайликларига эга бўлган замонавий – намунавий уйлар бунёд этилмоқда.

Замонавий қишлоқ уйларида ёзги ва қишки ошхона қуриш тобора кўпайиб бормоқда. Ёзги ошхонада тандир, бир – иккита учокни олди очиқ айвон тарзида қуришса, қишки ошхона ёпиқ, олди томони деразали ихчам этиб қирилмоқда. Унинг ёнида одатда озиқ сақланадиган омбор ҳам қурилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда қишлоқлардаги туар – жойлар ҳам тобора замонавий тус олиб, шаҳар қулайликларига эга бўлмоқда. Бир авлод ҳаёти давомида бўлган ўзгаришлар халқимизнинг глобализация шароитида ҳам жаҳон стандартларига интилишини намоён этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Жабборов И. М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. -Т. 2007; Шониёзов К.Ш, Исмоилов X, И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков (конца XIX – XX века) -Т. Фан , 1991; Узбеки. Коллективная монография. -М. 2011.
2. Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар (XIX аср охири – XX аср бошлари) - Т. 2011. –Б.65-66.
3. Народы Средней Азии и Казахстана. том 1. – М. 1962 -С. 274
4. Дала ёзувлари. Шахрисабз – Китоб шаҳарлари 2016 й
5. Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М, 1969. –С. 127 – 128
6. Салимов Т.Ў. Дала этнографик экспедицияларни ўтказиш усуллари. –Т., 1993 й
7. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа.... –С. 219 – 220
8. Бўриев.О. Анъанавий уй қуриш билан боғлиқ расм – русмлар. // Ўзбеклар этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008, -Б.17.
9. Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М, 1969, -С.126.
- 10.Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар. -Т. 2011, -Б.72
- 11.Нозилов Д. Тоғ меъморлари. -Т, 1979, -Б. 14.
- 12.Дала маълумотлари Шахрисабз тумани. Ғилон қишлоғи 1996 йил
- 13.Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар. -Т. 2011, 73 б
- 14.Сухарева О. Турсунов Н. О. Из истории городских и сельских населений Средней Азии (вторая половине XIX – начале XX века) - М , 1982, -С.16
- 15.Андианов Б.В. Чебаксаров Н.Н. Историка – этнографические области. Проблемы историко – географического районирования, СЭ, 1975, № 5, -С.15.
- 16.Бўриев О. Кўрсатилган асар. –Б. 90.
- 17.Қошгариј Махмуд. Девони лугатит турк. 1 том. –Т, 1980, -Б. 550.
- 18.Шаниязов К. Исмоилов X. Этнографические очерки материальной культуры узбеков ... –С. 34.

- 19.Қаюмов А. Жанубий Ҳисор меморчилиги анъаналари // Бойсун баҳори очиқ фолклор фестивали. Халқаро илмий конференция материаллари. 2002. –Б. 99 – 100.
- 20.Дала маълумотлари. Қарши тумани Шайдулла қишлоғи 2016 й
- 21.Вайнштейн С. И. Проблемы истории жилища кочевников Евразии // -С. 7., 1976, № 4.-С. 3 – 23
- 22.Шаниязов К.Ш.. Этническая истории узбекского народа.... –С. 226
- 23.Дала ёзувлари. Дехқонбод тумани, Оқработ қишлоғи. 2016 й
- 24.Узбеки. Коллективная монография. –М. 2011,-С. 257
- 25.Маманов, Ж. А., & Розиков, Ж. М. (2021). Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 170-178.
26. Маманов, Ж. А. (2018). Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎзМУ хабарномаси, 169.
27. Маманов, Ж. А. (2018). МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТАКОМИЛИДА СПОРТ ВА АХЛОКИЙ МАДАНИЯТНИ УЙФУНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ. Fan-Sportga, (3), 74-78.
28. Маманов, Ж. А., & Хушвақтов, З. Р. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (МЕХАНИЗМИ) ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 9-13.
29. Маманов, Ж. А. (2020). Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 3203.
30. Маманов, Ж., & Турғунов, Т. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ АСОСИДА ЁШЛАР МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 520-528.
31. Жумаев У.Х. (2022). ТУРКИСТОНДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 4–8.
32. Жумаев, М. Х. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 14-18.
33. Турдимуратов, Я. А. (2022). КОЧЕВОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX–НАЧАЛО XX ВВ. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 546-557.